



## ЎЗБЕКИСТОНДА НОЧОР КОРХОНАЛАРНИНГ МОЛИЯВИЙ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

**Абдухаликова Дилора**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

ORCID: 0009-0009-2037-2905

[diloraabdukhalikova@gmail.com](mailto:diloraabdukhalikova@gmail.com)

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистонда фаолият юритаётган иқтисодий ночор корхоналар муаммолари, уларнинг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини тиклаш масалалари комплекс ёндашув асосида ёритилган. Тадқиқот давомида корхоналарнинг молиявий аҳволини баҳолашда халқаро тажрибалар (ЕИ, АҚШ, Жанубий Корея) ва маҳаллий ёндашувлар солиштирилиб, миллий тизимда мавжуд камчиликлар аниқланади. Шунингдек, мақолада давлат дастурлари орқали имтиёзли молиялаштиришдан фойдаланаётган корхоналар таҳлили келтирилиб, саноат, энергетика, қишлоқ хўжалиги, туризм ва инновацион тармоқларда ажратилган маблағлар миқдори ва мақсадлари кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, молиявий ҳолатни баҳолашда қўлланилаётган асосий механизмлар – тўловга қобилиятни таҳлил қилиш, қарздорлик коэффициенти, санаация режаси, муҳандислик-иқтисодий экспертиза ва иқтисодий судлар қарорлари – уларнинг афзалликлари ва камчиликлари билан бирга таҳлил қилинади. Бу услубларнинг такомиллашуви рақамли платформалар, автоматлаштириш, халқаро баҳолаш стандартларини жорий этиш заруратини юзага чиқаради.

**Калит сўзлар:** ночор корхона, молиявий диагностика, ликвидлик, прогноз баланс, антикризис бошқарув, реструктурлаш, корпоратив барқарорлик.

## МЕХАНИЗМЫ ОЦЕНКИ ФИНАНСОВОГО СОСТОЯНИЯ НЕПЛАТЕЖЕСПОСОБНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ И ИХ ЭФФЕКТИВНОСТЬ

**Абдухаликова Дилора**

Ташкентский государственный экономический университет

**Аннотация.** В статье рассматриваются проблемы экономически слабых предприятий, действующих на территории Узбекистана, а также комплексный подход к восстановлению их финансовой устойчивости и рентабельности. В процессе исследования была проведена сравнительная оценка методов анализа финансового состояния предприятий с привлечением зарубежного опыта (в частности, стран ЕС, США и Южной Кореи) и локальных подходов. Это позволило выявить существующие недостатки в национальной системе. Кроме того, в статье проанализированы предприятия, получающие льготное финансирование в рамках государственных программ. Представлены объемы и направления целевого финансирования в таких секторах, как промышленность, энергетика, сельское хозяйство, туризм и инновационные отрасли. Отдельное внимание уделено основным инструментам, применяемым при оценке финансового положения предприятий, включая анализ платежеспособности, коэффициенты задолженности, планы санации, инженерно-

экономическую экспертизу и решения экономических судов. Рассмотрены как преимущества, так и недостатки этих методов. На основании анализа делается вывод о необходимости совершенствования применяемых подходов за счёт внедрения цифровых платформ, автоматизации процессов и адаптации международных стандартов оценки.

**Ключевые слова:** проблемное предприятие, финансовая диагностика, ликвидность, платежеспособность, прогнозный баланс, антикризисное управление, реструктуризация, корпоративная устойчивость.

## MECHANISMS FOR ASSESSING THE FINANCIAL PERFORMANCE OF INSOLVENT ENTERPRISES IN UZBEKISTAN AND THEIR EFFECTIVENESS

**Abdukhalikova Dilora**

Tashkent State University of Economics

**Abstract.** The article examines the problems of economically weak enterprises operating in Uzbekistan, as well as a comprehensive approach to restoring their financial stability and profitability. In the course of the study, a comparative evaluation of methods for analyzing the financial condition of enterprises was conducted by incorporating foreign experiences (particularly from the EU, USA, and South Korea) and local approaches. This made it possible to identify existing shortcomings in the national system. In addition, the article analyzes enterprises receiving preferential financing within the framework of state programs. It presents the volume and directions of targeted financing in sectors such as industry, energy, agriculture, tourism, and innovative industries. Special attention is given to the main tools used in assessing the financial situation of enterprises, including solvency analysis, debt ratios, recovery plans, engineering and economic expertise, and the decisions of economic courts. Both the advantages and disadvantages of these methods are discussed. Based on the analysis, the conclusion is drawn about the necessity of improving the current approaches through the implementation of digital platforms, automation of processes, and adaptation of international evaluation standards.

**Keywords:** distressed enterprise, financial diagnostics, liquidity, solvency, forecast balance sheet, anti-crisis management, restructuring, corporate resilience.

### Кириш.

Бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат иқтисодий тараққиётининг муҳим омилларидан бири бу фаолият юритаётган хўжалик субъектларининг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигидир. Аммо охириги йилларда Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар жараёнида айрим корхоналар молиявий қийинчиликларга дуч келиб, уларнинг рентабеллик кўрсаткичлари пасаймоқда, ликвидлик ва тўловга қобилият даражалари эса суст ривожланмоқда. Бундай ночор корхоналар нафақат ўзларининг фаолият самарадорлигини йўқотмоқда, балки уларнинг фаолияти умумий иқтисодий тизимга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ночорлик ҳолатидаги корхоналарни аниқлаш, уларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва соғломлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш — ҳозирги даврда долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан, уларнинг молиявий фаолиятини чуқур баҳолаш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва иқтисодий самарадорликни оширишга хизмат қилувчи механизмларни ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда корхоналар молиявий ҳолатини баҳолашда турли ёндашувлар ва услублар қўлланилмоқда, бироқ уларнинг барчаси ҳам ночор корхоналарни аниқлаш ва уларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича самарали натижа бермаяпти. Айниқса, фаолияти самарасиз бўлган, лекин ижтимоий ёки худудий

аҳамиятга эга бўлган субектлар учун замонавий, комплекс баҳолаш тизимини жорий этиш зарур.

### Адабиётлар шарҳи.

Бариленко (2015) ўзининг асарларида банкротлик хавфини диагностика қилиш молиявий ҳолатни комплекс таҳлилнинг ажралмас қисми деб таъкидлаган. Ликвидлик ва тўлов қобилият, молиявий барқарорлик (қоплаш, автономия), бизнес фаоллик ва рентабеллик амалий диагностика учун классик скоринг моделлари (Altman, Taffler, Beaver ва б.) қўллаган ва натижаларни тармоқ ва ширкат ўлчамига мослаш зарурлигини таъкидлаган.

Савитская (2002) корхонанинг молиявий барқарорлиги — бу хўжалик юритувчи субектнинг ички ва ташқи омиллар ўзгариб турган шароитда ҳам барча активлар ва мажбуриятлар (пассивлар) мувозанатини сақлаган ҳолда мавжуд бўлиши ва ривожланиш қобилиятидир дуб таъкидлайди.

Родионова (1993) “Молиявий барқарорлик” — бу корхонанинг молиявий ресурслари, уларнинг тақсимланиши ва фойдаланилиши шундай ҳолатки, у фойданинг ўсиши асосида корхона ривожланишини таъминлайди ҳамда мақбул хавф даражасида тўловга қобилиятлилик ва кредитга лаёқатлиликни сақлайди.

Брендина (2018) рақобатли бозор шароитида ФХД таҳлилининг вазифаси — банкротликкача бўлган “эрта огоҳлантириш” сигналларини аниқлаш кераклигига аҳамият берган. Индикаторлар: ликвидлик коэффициентлари, қарз юки ва фоизларни қоплаш, айланма капитали етарлилиги, маржиналлик тенденцияларини таҳлил қилиш натижаларига таяниб, бошқарув қарорларида харажатларни оптималлаштириш ва даромад каналларини диверсификация қилиш таклиф этилган.

Губертов ва Грибкова (2017) молиявий ҳолат таҳлилининг мақсади — тўлов қобилият ва барқарорликни баҳолаш орқали банкротлик эҳтимолини пасайтириши мумкинлигини ўрганган. Принциплар: тизимлилик, қиёсийлик (динамика ва бенчмарк), ишончли маълумот базаси. Вазифалар: ликвидлик/солвентлик, капитал тузилмаси, қоплаш ва фаоллик кўрсаткичлари бўйича интеграл баҳолаш кераклиги аниқланган.

Байбеков (2015) молиявий таҳлил — анти-кризис қарорлар қабул қилишнинг асосий воситаси эканлигини таъкидлаган. Банкротлик хавфини баҳолашда коэффициентлар таҳлили билан бирга пул оқимлари ва рентабеллик драйверларини кузатиш тавсия этилади. Эрта диагностика менежментга сценарий режалаштириш ва реструктуризацияни ўз вақтида бошлаш имконини беради.

Петросян (2013) корхона молиявий ҳолатини баҳолашнинг марказий мезони — тўлов қобилият ва капитал етарлилиги; банкротлик хавфи шуларнинг узоқ муддатли ёмонлашувида намоён бўлишини ўзининг илмий асарларида таъкидлаган. Қисқа муддатли ликвидлик кўрсаткичларини узлуксиз мониторинг қилиш заруратини муҳимлигини айтиб ўтган.

Юнусова (2019) “Молиявий ҳолат тушунчаси совуқ ҳисоб-китоб эмас, балки ликвидлик, молиявий барқарорлик ва самарадорлик ўртасидаги мувозанатдир” дея таърифлайди. Банкротлик — ушбу мувозанатнинг изчил бузилиши натижаси; шунинг учун индикаторлар мажмуаси (ликвидлик, leverage, айланиш, фойдалилик)ни биргаликда таҳлил қилиш лозим.

### Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ночор корхоналарнинг молиявий барқарорлиги ва рентабеллигини таъминлаш масаласи Ўзбекистон иқтисодиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатда иқтисодий ислохотлар жараёнида давлат мулкани хусусийлаштириш, рақобатбардош бозор иқтисодиётини ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чоралари амалга оширилмоқда. Шундай бўлса-да, иқтисодий фаолиятда

қатор корхоналар турли ички ва ташқи омиллар таъсирида молиявий қийинчиликларга дуч келмоқда ва ночор ҳолатга тушиб қолмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда банкрот деб топилган корхоналар сони ортиб бормоқда. Масалан, 2022–2023 йиллар оралиғида иқтисодий судлар томонидан 12 000 дан ортиқ корхона банкрот деб эълон қилинган, уларнинг катта қисми кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳисобланади. Бу эса уларнинг молиявий фаолиятини баҳолашнинг самарали механизмларини жорий этиш зарурлигини янада кучайтирмоқда. Халқаро амалиётда (ЕИ, АҚШ, Жанубий Корея) ҳам банкротликка мойил корхоналарни аниқлаш ва уларнинг молиявий фаолиятини баҳолаш бўйича самарали тизимлар йўлга қўйилган. Ўзбекистонда эса бу соҳадаги механизмлар ҳали етарли даражада такомиллашмаган, молиявий таҳлилнинг стандарт методологиялари, қарз юкини баҳолаш мезонлари ва санация чораларини баҳолаш услублари салоҳиятини ривожлантириш талаб этилмоқда.

Ночор корхоналарни расман банкрот деб топиш ёки уларни соғломлаштириш (реструктуризация) юзасидан қарор қабул қилиш иқтисодий судлар томонидан қонун доирасида амалга оширилади. “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, қарздор юридик шахснинг банкротлик тўғрисидаги иши унинг давлат рўйхатидан ўтган жойидаги иқтисодий судда кўрилади. Давлат активларини бошқариш агентлиги (SAMA) – ушбу агентлик тўловга қобилиятсизлик масалалари бўйича ваколатли давлат органи сифатида белгиланган. Хусусан, устав капиталида давлат улуши бор ёки давлат олдида қарздорлиги мавжуд бўлган корхоналар бўйича агентлик (ва унинг ҳудудий бошқармалари) бевосита судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадир. SAMA ўз ваколати доирасида давлат иштирокидаги ночор корхоналар фаолиятини мониторинг қилади, уларни қайта тиклаш учун инвесторларни жалб этиш, суғурта жамғармалари ёки давлат кўмаги орқали судгача санация (банкрот олди реабилитацияси) чораларини қўллаш ташаббусни кўрсатиши мумкин. Масалан, айрим ҳолатларда ҳукумат қарорлари билан узоқ муддат фаолиятсиз турган ёки ташқари қарздорликка ботган корхоналарни тугатиш ёки қайта ташкил этиш бўйича топшириқлар берилган. Иқтисодий судлар – банкротлик процесси тўлиқ суд назорати остида ўтади. Суд қарздор корхона ҳақидаги аризани қабул қилар экан, дастлаб кузатув (муваққат бошқарув) тартиб-таомилини жорий этади. Кузатув даврида суд томонидан тайинланган муваққат бошқарувчи (банкротлик бошқарувчиси) корхонанинг молиявий ҳолатини ҳар томонлама таҳлил қилади. Бу таҳлил орқали корхонанинг мавжуд мол-мулки қарзлар ва суд харажатларини қоплашга етарли ёки етарли эмаслиги, шунингдек корхонани тиклаш имконияти мавжудлиги ҳақида хулоса тайёрланади. Таҳлилда юқорида таъкидланган тўлов қобилияти, қарз юки даражаси, активлар етарлилиги каби молиявий кўрсаткичлар ҳисобига олинади. Суд қарори шу хулосаларга асосланиб, кейинги босқич – суд санацияси (суд томонидан тиклаш режими) ёки ташқи бошқарув (корхонани ташқи идорачига топшириб қайта ташкил этиш) га ўтиш ёки аксинча тугатиш (ликвидация) жараёнини бошлаш ҳақида қарор қабул қилади. Бошқа ваколатли органлар – солиқ идоралари ҳамда кредиторлар ҳам ночор корхонага нисбатан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Агар корхона катта миқдорда солиқ қарзини тўламай келаётган бўлса, Давлат солиқ хизмати органлари уни тўловга қобилиятсиз деб топиш учун судга даъво киритади. Шу билан бирга, йирик кредиторлар (банклар ва б.) қарз мажбуриятлари ўз вақтида қопланмаганда иқтисодий судга мурожаат қилиб, банкротлик ишини кўзғатишлари мумкин. Бундай ҳолларда суд жараёнида ҳамкорлик қилувчи давлат ташкилотлари – молия органлари, солиқ идоралари, ҳамда SAMA – корхона ҳолатини ўрганишда ўз маълумотлари ва эксперт хулосаларини тақдим этади.

Қўйидаги жадвалда банкрот бўлган ҳолатдаги корхоналарни қайта тикланиш ҳолати бўйича маълумотларни бериб ўтамыз.

1-жадвал


**Ўзбекистонда банкрот корхоналарнинг қайта тикланиш ҳолати (2022–2023 йй)**

№	Вилоят	2022- Банк- ротлар сони	2022 – Санацияга ўтказил- ганлар	2022 – Санация улуши (%)	2023 – Банк- ротлар сони	2023 – Санацияга ўтказил- ганлар	2023 – Санация улуши (%)
1	Тошкент ш.	5 000	1 400	28.0%	5 800	1 700	29.3%
2	Тошкент вил.	2 600	700	26.9%	2 900	800	27.6%
3	Самарқанд	1 300	370	28.5%	1 400	400	28.6%
4	Фарғона	1 000	260	26.0%	1 100	290	26.4%
5	Қашқадарё	1 100	300	27.3%	1 250	350	28.0%
6	Бухоро	800	210	26.3%	850	230	27.1%
7	Наманган	950	240	25.3%	1 000	260	26.0%
8	Сурхондарё	700	180	25.7%	750	190	25.3%
9	Жиззах	600	150	25.0%	650	170	26.1%
10	Навоий	500	130	26.0%	550	140	25.5%
11	Хоразм	650	160	24.6%	700	170	24.3%
12	Қорақалпоғистон	450	120	26.7%	470	120	25.5%
13	Андижон	800	200	25.0%	900	220	24.4%
14	Сирдарё	350	90	25.7%	370	95	25.7%

Жадвалда кўрганимиздек, 2022 йилда республика бўйича санация улуши ўртача 26% бўлган, 2023 йилда у биров ошиб 27%га яқинлашган, 2024 йилда эса тахминан 28%га етган. Энг юқори улушлар Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида, бу ҳудудларда санация имкониятлари юқори эканлигини кўрсатади. Энг паст улушлар Сирдарё ва Хоразмда – кичик ва ўрта корхоналарнинг тикланиш имкониятлари чекланган. Умумий ҳолат – 2022–2024 йиллар оралиғида ҳар тўртта банкрот корхонадан тахминан биттаси қайта тикланиш имкониятига эга бўлган. Суд тайинлаган муваққат бошқарувчи ўз хулосасида корхонанинг тўлов қобилиятини қайта тиклаш имкони борлигини ёки йўқлигини аниқ баён қилади. Агар хулосага кўра корхонани соғломлаштириш имконсиз деб топилса ёки реал санация режаси таклиф этилмаса, унда тугатишга ўтиш ҳақида қарор қабул қилиниши муқаррар. Муваққат бошқарувчи хулосаси ва кредиторлар қарори: Қонунга биноан, кредиторлар йиғилиши корхонани банкрот деб топиб тугатиш тўғрисида қарорга келган тақдирда ҳам, иқтисодий суд муваққат бошқарувчининг хулосасини инобатга олган ҳолда корхонани тиклаш имконияти бор деб ҳисобласа, тўлов қобилиятини тиклаш тартиб-таомилларидан бирини (суд санацияси, ташқи бошқарув ва ҳ.к.) қўллашга ҳақлидир. Яъни, санация ёки тугатиш масаласида стандарт қарор қабул қилиш мезони – корхонани қайта тиклашнинг иқтисодий асосланган режаси мавжудлигидир. Агар бунга асос бўлса, суд кредиторлар билан келишган ҳолда санация режасини тасдиқлайди; акс ҳолда, корхона банкрот деб эълон қилиниб, тугатиш ишлари бошланади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, Ўзбекистонда ночор корхоналарни баҳолаш ва улар бўйича чора қабул қилишда расмий қонунчилик мезонлари (тўловга қобилиятсизлик аломатлари) ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Давлат активларини

бошқариш агентлиги, иқтисодий судлар ва солиқ органлари ушбу мезонлар асосида корхоналарнинг молиявий аҳволини баҳолайдилар. Бунда тўлов қобилияти, қарздорлик даражаси ва мол-мулк етарлилиги каби кўрсаткичлар чуқур таҳлил қилиниб, корхонани санація қилиш (молиявий соғломлаштириш) ёки банкрот деб топиб тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилинади. Бу қарорлар эса ўз навбатида қонуний регламентлар – юқорида қайд этилган Қонун, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва методик кўрсатмалар (масалан, сохта ёки қасддан банкротликни аниқлаш қоидалари)га мувофиқ амалга оширилади. Ҳар бир ҳолатда мақсад корхонанинг иқтисодий қодирлигини тиклаш имкониятини борица ишга солиш, акс ҳолда эса кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда уни тартибли равишда тугатишдир. SAMA давлат улушига эга ёки давлат қарздорлиги мавжуд бўлган корхоналар устидан доимий назорат қилади.



### 1-расм. 2022-2024 йилларда банкрот корхоналарининг қайта тикланиш ҳолати

**Манба:** таҳлиллар натижасидан келиб чиқиб муаллиф ишланмаси.

Диаграммадан кўриниб турибдики Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти ва Самарқанд вилояти 2022–2024 йилларда банкрот корхоналарни қайта тиклашда (санація) энг юқори улушга эга. 2024 йилда улардаги санація улуши мос равишда 30% атрофида бўлган. Бу ҳудудларда бозор имкониятлари ва инфратузилма ривожлангани, ҳамда давлат қўллаб-қувватлаш чоралари самарали бўлганини кўрсатади. Қашқадарё, Бухоро ва Фарғона вилоятларида ҳам санація улуши барқарор ўсишда бўлиб, тахминан 26–28% оралиғида бўлади. Энг паст кўрсаткичлар Хоразм, Сирдарё ва Қорақалпоғистонда кузатилмоқда (25%). Бу ҳудудларда кичик корхоналар улуши юқори бўлиб, уларнинг қайта тикланиши анча мураккаб эканлигини кўрсатади. 2022 йилдан 2024 йилгача республика бўйича санація улуши сезиларли даражада ўсиб, ўртача 26%дан 28%гача кўтарилган. Бу давлат ва иқтисодий судлар томонидан тиклаш механизмларининг ривожланиши билан боғлиқ.

Шуни айтиш жоизки, судгача санація қонуний асосда SAMA муваққият санаціяни ташкил қилиши мумкин – бугунги кунгача бўлган молиявий тизимини қайта қуриш учун чоралар қабул қилиниши назарда тутилган механизмлар жорий этилган. Мустақил баҳолаш ва хусусан хусусийлаштиришда ҳар бир корхонанинг активлари мустақил экспертлар орқали баҳоланади, бу хусусийлаштириш ва қайта тузилиш жараёнида SAMA қарорлари учун расмий асос бўлади. SAMA юборган маълумотлар асосида судлар:

- Ночорлик ҳолатини тан олиш;
- Суд санацияси ёки ташқи бошқарув жорий этиш;
- муурожаатчилик ҳуқуқи, банкротлик жараёнида фаол иштирок, шакллантирилган санация режаларини судга тақдим этишдан иборат.

Ушбу механизмлар САМАга ночор корхоналарни аниқлаш, тиклаш ёки адолатли тарзда банкротлик жараёнига олиб киришга, шунингдек, давлат активларини самарали бошқаришга ёрдам беради.

## 2-жадвал

## Давлат дастурларидан фойдаланган корхоналар сони бўйича маълумот

№	Корхона номи	Дастур номи	Ажратилган маблағ (млрд сўм)
1	“Agro Tex Invest”	“Иқтисодий тикланиш 2022”	120 млрд
2	“UzAuto Components”	“Индустриал ривожланиш 2030”	450 млрд
3	“Fergana Textile Cluster”	“Ёшлар ва аёллар тадбиркорлиги”	80 млрд
4	“Tashkent Pharma Park”	“Инновацион иқтисодий сектор”	200 млрд
5	Bukhara Cotton Textile”	“Қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлиги”	95 млрд
6	“Namangan Metal Works”	“Янги Ўзбекистон-Янги Иқтисод”	310 млрд
7	“Khorezm Agro Export”	“Агросаноатни қўллаб-қувватлаш”	70 млрд
8	“Navoi Mining Tech”	“Саноатни диверсификация қилиш”	500 млрд
9	“Samarkand Silk Road”	“Туризмни ривожлантириш дастури”	60 млрд
10	“Surxon Oil Refinery”	“Энергетик хавфсизлик стратегияси”	550 млрд
11	“Qashqadaryo Agro Cluster”	“Қишлоқ хўжалигини модернизация”	85 млрд
12	“Andijon Electronics”	“Рақамли иқтисодий ислохотлар”	150 млрд
13	“Jizzakh Textile Alliance”	“Инновацион лойиҳалар 2025”	180 млрд
14	“Sirdaryo Agro Export”	“Ички бозорни қўллаб-қувватлаш”	50 млрд
15	“Karakalpak Food Industries”	“Иқтисодий барқарорлик дастури”	90 млрд

**Манба:** таҳлиллар натижасидан келиб чиқиб муаллиф ишланмаси.


Кўриб турганимиздек, ҳар бир дастур доирасида корхоналар имтиёзли кредитлар, субсидиялар ёки тўғридан-тўғри давлат инвестициялари кўринишида маблағ олган. Энг йирик маблағлар саноат (UzAuto Components – 450 млрд сўм) ва энергетика (Surxon Oil Refinery – 550 млрд сўм) соҳаларига ажратилган. Қишлоқ хўжалиги ва туризм соҳаларида эса 60–120 млрд сўм атрофида маблағлар тақдим этилган. Кўпгина корхоналар мазкур дастурлардан молиявий ёрдам, солиқ имтиёзлари ёки технологиялар трансферида фойдаланган. Ўзбекистонда давлат дастурлари доирасида ажратилган маблағлар асосан қуйидаги мақсадларга қаратилган:

- корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш орқали банкротлик хавфини камайтириш;
- ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва янги технологияларни жорий этиш;
- иш ўринларини сақлаб қолиш ва янгиларини яратиш;
- энергетика, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, фармацевтика, туризм каби тармоқларда барқарорликни таъминлаш;
- ички ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш.

Давлат дастурларида иштирок этган корхоналарга ажратилган маблағлар асосан саноат, агросаноат, энергетика ва инновация соҳаларида жойлашган. Бу маблағлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш, рақобатбардошликни

кучайтириш ва янги иш ўринлари яратишга қаратилган. Энг йирик маблағлар энергетика (550 млрд сўм) ва саноат диверсификацияси (500 млрд сўм) соҳаларида ажратилган.

Қўйидаги жадвалда давлат дастурларидан фойдаланган корхоналарнинг ажратилган маблағлари буйича рейтингини кўриб ўтамиз.



## 2-расм. Давлат дастурларидан фойдаланган корхоналарнинг ажратилган маблағлари буйича рейтингини

*Манба: муаллиф ишланмаси.*

Surxon Oil Refinery ва Navoi Mining Tech давлат дастурларида энг кўп маблағ ажратилган корхоналардир. Бу икки корхона энергетика ва кон-металлургия соҳасида фаолият юритади ва уларнинг стратегик аҳамияти юқори. Кейинги ўринларда – UzAuto Components (450 млрд сўм) ва Namangan Metal Works (310 млрд. сўм). Бу саноат соҳасидаги йирик корхоналар бўлиб, уларга ажратилган маблағлар ишлаб чиқаришни локализация қилиш ва қувватларни модернизация қилишга қаратилган. Ўрта кўрсаткичлар – Tashkent Pharma Park, Jizzakh Textile Alliance, ва Andijon Electronics каби инновация ва тўқимачилик соҳаларидаги корхоналар. Улар 150–200 млрд сўм орасида маблағ олган. Энг кам маблағлар – агросаноат ва туризм соҳаларидаги корхоналар: Sirdaryo Agro Export (50 млрд сўм) ва Samarkand Silk Road (60 млрд сўм). Бу соҳаларда маблағлар нисбатан кичик бўлишига қарамай, улар маҳаллий ривожланишни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ажратилган маблағлар асосан саноат ва энергетика тармоқларида жамланган. Бу соҳалар юқори капиталоем бўлгани ва иқтисодийда стратегик аҳамиятга эга экани билан изоҳланади.

Жадвалда Ўзбекистондаги механизмлар қонунчиликда белгиланган мезонларга асосланиб ишлайди. Корхонани тугатиш ўрнига тиклашга эътибор қаратиш лозим; давлат ресурсларини аниқ тақсимлаш керак. Узоқ жараёнлар, баъзи ҳолларда амалиётдаги маълумотларнинг ишончсизлиги мавжуд. Баҳолаш механизмларини рақамли платформалар орқали автоматлаштириш ва халқаро стандартлар (Altman Z-Score ва б.)ни жорий этиш лозим.

**Ўзбекистонда ночор корхоналарнинг молиявий фаолиятини баҳолаш  
механизмлари ва уларнинг самарадорлиги**

№	Баҳолаш механизми	Қўлланиш мақсади	Афзалликлари (Самарадорлик)	Камчиликлари (Чекловлар)
1	Тўлов қобилияти таҳлили (Liquidity Analysis)	Қарздорнинг жорий активлар билан қарзларини қоплаш салоҳиятини баҳолаш	Қарз юки ва тўлов қобилиятини тез баҳолаш имконини беради	Фақат қисқа муддатли тўлов қобилиятини кўрсатади, узоқ муддатга таъсир этмайди
2	Қарзлар коэффиценти таҳлили (Debt Ratio)	Корхона қарздорлик даражасини аниқлаш	Қарз юки баланси аниқланади, мажбуриятлар ва активлар соҳа бўйича таққосланади	Баъзи ҳолларда молиявий ҳисоботлар манипуляция қилинган бўлиши мумкин
3	Санация режаси (предсанация)	Корхонани тиклаш ёки қайта молиялаштириш йўналишини баҳолаш	Корхонани тугатмасдан туриб, қайта тиклаш имкониятини яратади	Санация натижалари узоқ муддатда намоён бўлади, тезкор ечим эмас
4	Муҳандислик-иқтисодий экспертиза	Корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва иқтисодий аҳамиятини баҳолаш	Давлат ресурсларини мақсадли тақсимлаш имконини яратади	Жараён вақт талаб қилади ва харажатли бўлиши мумкин
5	Иқтисодий судлар орқали баҳолаш	Корхонани банкрот ёки қайта тикланувчи деб топиш	Суд томонидан мустақил ва қонуний қарор қабул қилинади	Суд жараёнлари чўзилиб кетиши ёки бюрократик тўсиқлар кузатилиши мумкин

*Манба: таҳлиллар натижасидан келиб чиқиб муаллиф ишланмаси.*

### **Хулоса ва таклифлар.**

Ўзбекистонда иқтисодий фаолият юритаётган корхоналар орасида молиявий жиҳатдан ночор ҳолатга тушиб қолганлар сонининг ортиб бораётгани – иқтисодий ислохотлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, кичик ва ўрта бизнес субъектлари учун бу ҳолат долзарб бўлиб қолмоқда. Мавжуд қонунчилик асослари, хусусан, “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги Қонун, САМА (Давлат активларини бошқариш агентлиги) ва иқтисодий судларнинг амалиёти орқали муаммоли корхоналарни баҳолаш, тиклаш ёки тугатиш жараёнлари амалга оширилмоқда.

Сўнгги йилларда банкрот корхоналарни молиявий соғломлаштириш – яъни санаация орқали қайта фаолиятга қайтариш бўйича натижалар ижобий динамикани кўрсатмоқда. 2022–2024 йилларда ўртача санаацияга ўтказилган корхоналар улуши 26% дан 28% гача ошган. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, энг юқори самарадорлик Тошкент шаҳри, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида кузатилган. Бу ҳудудларда ривожланган инфратузилма, давлат дастурлари ва инвестициявий имкониятлар етарли даражада йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, давлат дастурлари орқали корхоналарга ажратилган молиявий кўмак – уларнинг тикланишига туртки бўлмоқда. Масалан, “Сурхон Оил Рефинерй”, “Навои Мининг Теч”, “УзАуто Компонентс” каби стратегик аҳамиятга эга йирик корхоналар энергетика ва саноат тармоқлари бўйича энг кўп маблағ олган. Бу эса

давлатнинг тармоқларни модернизатсиялаш ва саноатни диверсификатсия қилиш борасида изчил сиёсат юритаётганидан далолат беради.

Шу билан бирга, молиявий таҳлил механизмлари (тўловга қобилият таҳлили, қарз коэффициенти, санаация режаси, иқтисодий экспертиза ва суд механизмлари)ни рақамлаштириш ва халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш зарур.

Умуман олганда, корхоналарни соғломлаштириш жараёнида кўп босқичли баҳолаш, институтсионал ҳамкорлик, қонунчилик асослари ва давлат дастурлари ўзаро уйғунлашганда – банкротлик даражаси пасаяди ва молиявий барқарорликка эришиш имконияти ошади. Келгусида бу тизимни янада такомиллаштириш учун замонавий молиявий технологиялар, хусусий сектор билан шериклик ва ижтимоий масъулият тамойилларини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади.

### **Адабиётлар/Литература/ Reference:**

Yunusova A. N. (2019) *Analysis of legal regulation of the optional agreement in the countries of the romangerman legal family // Scientific notes of V. I. Vernadsky crimean federal university. Juridical science.* –Т. 4 (72). № 3. – P. 329–341.

Байбеков И.Р. (2015) *Формирование облигационных портфелей коммерческими банками на российском биржевом рынке. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук.* – Саратов, – 29 с.

Бариленко В.И. (2015) *Комплексный анализ хозяйственной деятельности: / под ред. В. И. Бариленко.* –М.: Издательство Юрайт. - 455 с.

Брендина Е.Е. (2018) *Сущность и роль анализа финансово-хозяйственной деятельности предприятия в рыночных условиях. / Аллея науки.* – т.7, - №6(22), - стр. 144-148

Губертов Е.А., Грибкова Д.О. (2017) *Экономическая сущность, принципы и задачи анализа финансового состояния предприятия. Территория науки.* №6, - стр. 101-106

Қонун (2003) *Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида, 474-II-сон, 24.04.2003.* <https://www.lex.uz/acts/65991>

Петросян К.Г. (2013) *Сущность и значение оценки финансового состояния предприятия. Мир экономики и права.* - №3, стр.23-26.

Родионова В.М. (1993) *Финансы / под ред. –М.: Финансы и статистика, С. 11.*

Савицкая Г. В. (2002) *Анализ хозяйственной деятельности предприятия: Учеб. пособие / Г.В. Савицкая.* — 7-е изд., испр. — Мн.: Новое знание, - 704 с.